



Газета 1966 йил  
1 июндан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСİY КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 110 (12.171)

Баҳоси эркин нарҳда

## ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ:

# ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН ҲАМКОРЛИК

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 4 июнь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.**

Тошкент аэропортида Ислам Каримов ва Владимир Путин ўртасида қисқача суҳбат бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг ушбу учрашуви мамлакатларимиз ўртасидаги олий даражадаги мунтазам мулоқотларнинг мантиқий давомидир.

Ўзаро ҳамжиҳатлик ва конструктивлик асосланган сиёсий мулоқот аънавий тарзда икки томонлама муносабатларнинг узоқ муддатли истиқболлари ва муҳим йўналишларига асос яратди.

Ўзбекистон ва Россия Президентлари ўртасидаги мулоқотларнинг асосий қисми Кўксарой қароргоҳида, икки давлат раҳбарларининг расмий суҳбатга тушиш маросими билан бошланди.

Президентимиз меҳмонни мамлакатимизга ташрифи билан самимий қутлар экан, ушбу учрашув икки томонлама муносабатларга доир кенг қўламли масалаларни муҳокама қилиш, томонлар ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни мақсад қилган аниқ йўналишларни белгилаб олиш учун яхши имконият эканини алоҳида таъкидлади.

Бугун Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларда ҳал қилиб бўлмайдиган муаммолар ёки ўтиб бўлмайдиган бирор-бир тўсиқ йўқ, минтақавий ва халқаро даражадаги кўптомонлама ҳамкорликнинг самарали механизми ишлаб чиқилган ва изчил амалга оширилмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия доирасида фаол иш олиб борилмоқда.

Россия Федерацияси Ўзбекистон Республикасининг муҳим иқтисодий ҳамкорларидан бўлиб, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо алоқалари барқарор ва изчил ривожланмоқда.

2011 йилда ўзаро савдо ҳажми 2010 йилдагига нисбатан 9 фоиз ўсиб, 6,7 миллиард АҚШ долларига етди.

Айни пайтда икки мамлакат раҳбарлари товар айирбошлашни тубдан диверсификация қилиш ва сармоявий ҳамкорликнинг йўналишларини кенгайтиришдан ҳар икки томон ҳам манфаатдор эканигини таъкидладилар.

Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги азаллий ва мустаҳкам маданий-гуманитар ҳамда тарихий ришталар аънавий икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Таълим соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда Тошкентда Россиянинг учта етакчи олий таълим муассасасининг филиаллари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда, ушбу таълим даргоҳларида юқори малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Учрашувда томонлар ўзларини қизиқтирган долзарб аҳамиятга эга минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Музокараларда қўшни Афғонистондаги вазият ва воқеаларнинг эҳтимолдаги ривож таҳлилига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу мамлакатда тинчлик ўрнатилиши, унинг ижтимоий-иқтисодий тикланиши минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Музокаралар якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда ҳамкорликнинг янги босқичдаги истиқболли йўналишлари белгилаб берилган.

Имзоланган Декларация кўптомонлама Ўзбекистон-Россия муносабатларини ривожлантириш жараёнидаги навбатдаги мантиқий босқич бўлиб, ўзаро алоқалар узлуқсиз ва изчил равақ топаётганининг яна бир далилидир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 18 октябрдаги Эркин савдо зонаси тўғрисидаги шартномага қўшилиши бўйича истиқболдаги қўша чоратадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Шу билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга расмий ташрифи якунига етди. Самимий ва дўстона руҳда ўтган атрофлича, кенг қўламли музокаралар, эришилган муҳим қелишувлар ўзаро манфаатли, вақт синовидан ўтган ҳамкорликни янада кенгайтиришдан, уни Ўзбекистон ва Россия халқлари фаровонлиги ва манфаатлари йўлида сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишдан икки томон ҳам манфаатдор эканидан далолат беради.

**Олим Тўрақулов,  
ЎзА муҳбири**



## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида «Аҳолини электр энергияси билан таъминлаш ҳолати ҳамда «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси корхоналари томонидан «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун талаблари ижроси мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Адлия вазирлиги, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзстандарт» ва «Ўзкоммунхизмат» агентликлари, республика ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси, Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси мутасаддилари иштирок этди.

• Ўзбекистон Экологик ҳаракати Қорақалпоғистон ҳудудий бўлини маси ташаббуси билан «Қуйи Амударё давлат биосфера резерватига биохилма-хилликни сақлашда қонунчиликни такомиллаштириш – давр талаби» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда соҳага тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

• Тошкентда гастроэнтерологларнинг халқаро симпозиуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Европа ва МДХ давлатлари гастроэнтерологлари ассоциациялари, Чехиянинг Pro.med.cs фармацевтика компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда йигирмага яқин мамлакатдан олимлар, етакчи мутахассислар ва нуфузли клиникаларнинг шифокорлари иштирок этди.

• Қарши санъат коллежида «Мустакам оила йили» Давлат дастури ижроси доирасида «Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди. Республика Байналмилал маданият маркази ва «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда вилоятдаги миллий маданият марказлари, давлат ва жамоат ташкилотлари ва кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирок этди.

## ЖАҲОНДА

• Япония олимлари қалбаки доридармон маҳсулотларини аниқлайдиган қурилма яратдилар. Мазкур ускуна ўрамдаги дори воситаларини ҳам текшириш хусусиятига эга. Бу дори-дармон маҳсулотлари бозорини назорат қилиш самаралорини ошириш имконини беради. Маълумотларга кўра, ушбу қурилмага ўрнатилган лазер ёрдамида бир неча сония ичида препаратлардаги кимёвий элементлар таркибини, демак, дори-дармоннинг ҳақиқий ёки қалбакилигини аниқлаш мумкин.

• Финляндияда ғайриодатий жаррохлик операцияси амалга оширилди. Халқарога қараганда, жаррохлик жараёнида беморнинг ўнг қўли кесиб олинди, чап қўлининг ўрнига ўрнатилган. Унинг чап қўли қирқ йил аввал маълум сабабларга кўра кесиб ташланган экан. Маҳаллий нашрларнинг ёзишича, бемор киши бундан уч йил аввал инсульт хасталигига чалингани боис танасининг ўнг қисми фалаж бўлиб қолган. Шу сабабли у жонсиз ўнг қўлини чап қўлининг ўрнига ўрнатишга аҳд қилган.

• Ҳиндистоннинг Археология бошқармаси дунёнинг етти мўъжизасидан бири – Тож Маҳал мақбарасини зиёрат қилувчи сайёҳлар сонини қисқартиришга қарор қилди, деб хабар беради РИТА-ТАСС. Бундан қўзланган асосий мақсад Бобурийлар сулоласи томонидан бунёд этилган ушбу бетакрор меъморий ёдгорликни асраб-авайлашдир. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, сайёҳлар сафининг тобора кенгайиб бораётгани мазкур ноёб обидага зиён етишига сабаб бўлмоқда.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Маданият ва санъат соҳасида театр, кино, телевидение, халқ ижодиёти ривожлантириш борасидаги замонавий талабларга, халқимизнинг тобора ортиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эhtiёжларига жавоб берадиган юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш даражаси ҳамда сифатини такомиллаштириш ва тубдан ошириш, шунингдек, мазкур йўналишдаги олий таълим муассасаларида яратилган мавжуд моддий-техник базадан янада самарали фойдаланиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 9 апрелда қабул қилинган 237-ф-сонли фармойиши асосида ташкил этилган Комиссия ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент Давлат маданият институти ва Ўзбекистон Давлат санъат институти негизига Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти шартнома ва мажбуриятлар бўйича собиқ Тошкент Давлат маданият институти ҳамда Ўзбекистон Давлат санъат институтининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қуйидаги йўналишлар Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг энг муҳим вазифалари этиб белгилансин:

маданият, театр санъати, кино ва телевидение соҳасида замонавий талабларга жавоб берадиган, халқ ижодиёти аънаваларини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қодир, бадиий

ижоднинг замонавий методлари, инновацион техника ва технологияларни пухта эгаллаган юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш;

маданий-маънавий бойлиқни асраб-авайлаш ва кўпайтириш, халқимизнинг бой маданий-тарихий мероси ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган миллий театр мактаби ва бадиий ижод маҳоратини ривожлантириш; ўқитишнинг замонавий шакл ва методлари, илгор педагогика, инновация ва ахборот-коммуникация технологиялари, электрон ахборот ресурслари, жумладан, Интернетдан кенг фойдаланган ҳолда, таълим жараёнининг юқори даражада олиб борилишини таъминлаш;

ёшларни ватанпарварлик ва миллий ғояга садоқат руҳида, маънавий юксак ва ҳар томонлама баркамол ривожланган, кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган шахслар этиб тарбиялаш; маданият ва санъат соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

3. Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг 46 нафар штат бирлиги доирасидаги бошқарув ходимларининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 9 апрелда қабул қилинган 237-ф-сонли фармойишига биноан ташкил этилган Комиссиянинг Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида амалга ошириш кўзда тутилаётган қуйидаги таклифлари маъқуллансин:  
**(Давоми 2-бетда)**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Янги Boeing-787-8 Dreamliner самолёти дунё бўйлаб тақдимот парвозида доирасида пойтахтимизга келиб қўнди.**

...Халқаро аэропортнинг учинчи майдонига «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг раҳбарлари ва мутахассислари, АҚШнинг «Boeing» корпорацияси вакиллари, кўлаб меҳмонлар ва журналистлар ҳозир бўлди. Карнай-сурнай садолари янграйди, байрамона кийинган қизлар қўлида гул билан учрашувга тайёргарлик кўрмоқда. Чиройли авиалайнер деярли шовқинсиз қўниб, тўхташ жойи томон бурилмоқда. Люк очилиб, ҳаво кемаси командири Рэнди Невилл трапга чиқди, қўлида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи хилларарди. Уни гулдурос қарсақлар билан қўтиб олишди.

– Аҳил жамоамизга узоқ маузофали парвоз давомида



## BOEING-787-8 DREAMLINER ТОШКЕНТДА

ажойиб мамлакатингизга қўниб ўтиш имконияти берилганидан бағоят хурсандман, – дейди Рэнди Невилл. – Тошкентга келгунимизча Австралия ва Янги Зеландияда тўхтаб ўтдик. Парвоз харитасида Саудия Арабистони, Мароккаш, Бирлашган Араб Амирликлари ҳам бор.

Boeing-787-8 Dreamliner – АҚШнинг «Boeing» корпорацияси томонидан Boeing-767 русумидаги авиалайнерларни алмаштириш учун қатор хорижий компаниялар билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган кенг фюзеляжи, икки моторли реактив йўловчи ташиш самолётидир.  
**(Давоми 2-бетда)**

## ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ: ҲАМКОРЛИКНИНГ КЕНГ УФҚЛАРИ

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тарихи юз йилликлар билан ҳисобланадиган узоқ ўтмишга – Буюк Ипак йўли даврига бориб тақалади. Халқларимиз ўртасида кўп томонлама дўстона ва ўзаро ҳурматга асосланган муносабатлардан гувоҳлик берадиган кўлаб эътиборга молик воқеалар, маданиятларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитишига оид маълумотлар тарихий кўлэмлар саҳифаларида сақланиб қолган. Ана шундай мавжуд кўп асрлик муносабатлар замонавий босқичда ҳам мустақил Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги узоқ муддатли ва ҳар томонлама ҳамкорликнинг шаклланиши учун қўлай замин яратгани

ҳолда икки мамлакат халқларининг янада яқинлашувиغا қўмақлашмоқда.

Хитой Ўзбекистон мустақиллигини эътироф этган 1991 йилнинг 27 декабрида давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг тараққиётига замин қўйилган эди. Дипломатия муносабатлари 1992 йилнинг 2 январидан ўрнатилган эди. Орандан ўтган йиллар давомида Ўзбекистон – Хитой шериклиги ўзининг тобора ўсувчанлиги билан ажралиб турдики, бугунги кунда ҳам сиёсий, савдо-иқтисодий, кредит-молия ва маданий-гуманитар ҳамкорлик тобора равақ топиб бораётир.  
**(Давоми 2-бетда)**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** «Камолот» ЁИХ Олмазор туман Кенгаши томонидан «Гуручқир», «Сабзор» маҳаллаларида кўчма спорт уйинлари ўтказилиб, «Ёзни

«Камолот» билан» лойиҳасига старт берилди.

✓ **МАЪНАВИЯТ** тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими томонидан «Хар бир фарзандга меҳр, эътибор» шиори остида байрам тадбири ўтказилди. Унга 450 нафар но-

гирон болалар ва кам таъминланган оила фарзандлари таклиф этилди.

✓ **БУГУН** пойтахтимизда жойлашган «Гулбахор» болалар оромгоҳига дам олиш учун келган 200 нафар қорақалпоғистонлик бола

Тошкент марказий темир йўл вокзалида кутиб олинди.

✓ **ЭРТАГА** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида бичиш-тиқиш бўйича дизайн мактаби қатнашчиларининг 6 кунлик ижодий либослар кўргазмаси намойиши бошланади.



**Узоқлардан келар бир наво, сеҳрлайди вужудимизни, жон қулоққа айланиб кетар, унинг сеҳри тутар оламни. Куй чалинмас, янграмас дутор, созланмайди ҳатто овозлар, у шундай куй, номи бир дoston, тугамайди айтгани билан. Бу алладир, она алласи, боласига айтилган изҳор. Ёзолмайди ҳеч қандай шоир, чунки унда сирли тугён бор. Алла бўлиб турилган кўшиқ, меҳр бўлиб кирар қалбларга, тугамайди унинг навоси яшайверар асрлар оша. Бу алладир, она алласи, боласига жони минг ҳалақ, янграйверсин унинг ялласи, умидларга палаклар тўшаб...**



**Танловлар**

**ОНАМ АЙТГАН АЛЛАЛАР**

Ҳа, алла бебаҳо кўшиқ, миллий ифтихоримиз рамзи, Учтепа туманидаги 28- болалар мусиқа санъат мактабида бўлиб ўтган танлов ҳам, «Онам айтган аллалар» деб номланди. Танлов ўзбекистон Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан уюштирилди.

Унда жорий йилнинг апрель, май ойларида олий ва ўрта махсус, халқ таълими муассасаларининг талаба ва ўқувчилари орасидан туман босқичида голиб чиққан жамоалар вакиллари иштирок этдилар.

— Ушбу танловни ўтказишимиздан мақсад, — дейди таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Озода Каримова, — миллий қадриятларимизни тиклаш, бетакрор маданият сарчашмаларидан халқимизни, айниқса келажакимиз ворислари бўлиши ёшларни баҳраманд эттишдан иборатдир. Бинобарин, қизларимизнинг имон-эътиқодли, оқила, солиҳа, гўзалликлар ва эзгуликлар бунёдкори сифатида камолотга эришувидан халқимиз донишмандлигини ўзида муҳим санган муқаддас урф-одатларимиз, халқ оғзига ижодиётининг ранг-баранг намуналарини сингдиришда танловнинг аҳамияти каттадир. Ушбу кўрик-танлов орқали оила-

даги маънавий муҳитнинг посбонлари бўлган хотин-қизларнинг тафаккурини кенгайтириш, юртимизнинг энг чекка қишлоқларида тўй маросимларида ижро этиладиган алла, ёр-ёр, лапар, ўлан санъати билан шуғулланувчи янги иқтидор эгаларини кашф этиш ҳамда улар ижодини рағбатлантириш кўзда тутилмоқда. Инчунун, миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимиз нафақат ўзлгимизни, балки миллатимиз нуфузининг нечоғли юксак ва барқарор эканлигини англатади.

Дарҳақиқат, «Онам айтган аллалар» кўрик-танловида иштирок этган 15 та жамоа, яъни 155 нафар иштирокчиларнинг чиқишларини томоша қилар эканмиз, улар томонидан жонли овозда куйланаётган аллалар, лапар ва ёр-ёрларнинг миллий майин оҳанги қалбларга бир олам ўзгача бир завқ, сокинлик ва ором бағишлади. Ҳар бир жамоа ўзига хос чиқишларида нафақат, алла ва лапарларни балки, ўзбекона миллий кийимлар, урф-одатларимиз ва анъаналаримизни намойиш қилди.

Танлов якунига кўра, Олий ва ўрта махсус тизимидаги жамоалар орасида биринчи ўринга 1-Республика педагогика коллежи ўқувчилари, иккинчи ўринга Тошкент Давлат шарқшунослик институти жамоаси, учинчи ўринга эса Ўзбекистон Миллий университети жамоалари сазовор бўлдилар.

Халқ таълими муассасалари жамоалари орасида биринчи ўрин Мирзо Улуғбек тумани, иккинчи ўрин Чилонзор тумани, учинчи ўрин эса Шайхонтоҳур тумани ва Учтепа туманлари жамоаларига насиб этди.

Жумладан, танлов доирасида «Энг ёш иқтидор эгаси» номинациясида Манзура Абдуразоқова ва «Энг фаол иштирокчи» номинациясида Сергели тумани жамоаси аъзолари голиб деб топилди.

Танлов сўнггида голибларга фахрий ёрлик ва совғалар топширилди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**  
**СУРАТДА: «Онам айтган аллалар» кўрик-танловидан лавҳа**  
Козим Ўлмасов олган сурат

**ИҚТИДОРЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА**

**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида бўлиб ўтган «Келажак овози — 2012» кўрик-танловининг Учтепа туман босқичида 285 нафар талабалар иштирок этди.**

Унда ёшлар анъанавий ва амалий санъат, архитектура ва интерьер дизайни, ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлари ва техник ишланмалар, адабиёт ва публицистика номинациялари бўйича беллашдилар.

— Айни пайтда «Келажак овози — 2012» кўрик-танловининг туман босқичлари бўлиб ўтмоқда. Бу танлов иқтидорли ёшларимизнинг ўз истеъдодларини намойиш этишларига кўмаклашиш билан бирга, босқичма-босқич юқори чўққиларни эгаллаб боришларида кичик бир доvon ҳисобланади, — дейди хайъат аъзоси, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети декани муовини Ойниса Бобохонова.

Ёшларимизнинг нафақат иқтидорларини ривожлантиришлари ва униб-ўсишлари, балки, дунё мамлакатларида ўтказилаётган юксак даражадаги танловлар ва фестивалларда ютуқларни қўлга киритишларида бу каби танловларнинг аҳамияти ва ўрни беқийсдир. Келажак бугундан бошланади, бизнинг бугунимиз ҳам, эртаимиз ҳам ана шу истиқболли порлок, ниғоҳи тийрак, изланувчан ва интилувчан ёшлардир.

Танлов сўнггида голибларга фахрий ёрлик ва совғалар топширилди.

Гулнигор САТТОР қизи

**Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!**

**ТИНЧЛИК — БОЛАЛАР НИҒОҲИДА**

**Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида «Тинчлик — болалар ниғоҳида» мавзусидаги республика болалар расмлари кўрик-танлови бўлиб ўтди.**

«Соғлом авлод учун» жамғармаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилган мазкур кўрик-танловда ижодий беллашувнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи голиблари қатнашди.

Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддинов, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари А.Холбеков, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, «Соғлом авлод учун» жамғармаси бошқаруви раиси С.Иномова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида навқирон авлод камолоти йўлида кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик болаларни ижтимоий ҳимоялашда, истеъдод ва иқтидорини намойиш этиш учун кенг шарт-шароит яратишда ҳам ўзининг яққол ифодасини топаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида барпо этилаётган янги-янги кўргазма заллари, галереялар, болалар мусиқа ва санъат йўналишидаги мактаблар ўқувчи-ёшларнинг бадиий диди ва тафаккурини бойитиш, уларни миллий ва жаҳон таъсирли санъатнинг энг нодир намуналаридан баҳраманд этиш имконини бермоқда. Болалар «Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!» шиори остида ўтказилган махсус ҳафталик доирасида ушбу масканларда кўпал қизиларли ва бетакрор ижодий лойиҳалар, санъат фестиваллари, концертлар, кўрик-танловлар, кўргазмалар ҳамда спорт мусобақаларида иштирок этди.

«Тинчлик — болалар ниғоҳида» болалар расмлари кўргазмасида уч минг нафардан ортиқ 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўғил-қиз ўз ижодий ишлари билан қатнашди. Тинч ва осойишта ҳаёт, обод ва файзли шахару қишлоқларимизнинг манзаралари, болаларнинг оила ҳақидаги илк тасаввурлари ушбу кўрик-танловга тақдим этилган расмларнинг асосий мавзунини ташкил этди.

— Мен танловда «Тинчлик» деб номланган расмларим билан қатнашдим, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги 50-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Умида Жуматова. — Дунёда тинчлик барқарор бўлсагина барча болалар ота-оналари билан хотиржам яшайдилар. Ҳар ким ўқиб, ўзи истagan касб эгаси бўлиб етишади. Шунинг учун тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиқидек асраб-авайлашга ҳамма ўз ҳиссасини қўймоғи керак.

Танлов якунига кўра, турли ёш тоифалари ва номинациялар бўйича йигирма нафарга яқин ўғил-қиз голиб деб топилди ва уларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Назokat УСМОҲОВА,  
ЎЗА муҳбири

**ФИНАЛ БОСҚИЧИДА БЕЛЛАШАДИ**

**Ҳар йили бугун жаҳонда хитой тили ва маданиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида хитой тилини ўрганаётган талабалар орасида «Хитой тили кўприги» халқаро танлови ўтказилади.**

Биринчи «Хитой тили кўприги» жаҳон танлови Халқаро Конфуций институтининг молиявий қўллаб-қувватлаши билан 2002 йил 19-29 июль кунлари Жанубий-Ғарбий Хитойнинг Чундин шаҳрида ўтказилган бўлиб, унда 25 мамлакат вакили қатнашган эди.

Сўнгги 10 йил давомида мазкур танлов жаҳоннинг 70 дан ортиқ мамлакатида ўтказилиб, унда 150 мингдан ортиқ талаба қатнашди. Улардан 900 дан ортиғи Хитойда бўлиб ўтган ярим финал ва финал босқичида иштирок этди. Голибларга «Хитой тили элчиси» унвони берилиб, Хитойдаги университетлардан бирида таълимни давом эттириш ёки Хитой бўйлаб саёҳат қилишлари учун грант ажратилади. Бу йил мазкур танлов ўн биринчи бор ўтказилмоқда. Айни дамда жаҳоннинг бир қатор мамлакатларида шу йил июль-август ойларида Хунань провинциясининг Чанша шаҳрида ўтказилиши кутилаётган танловнинг финалига боришни мақсад қилган талабалар орасида саралаш босқичлари бўлиб ўтмоқда.

Яқинда Байналмилал маданият маркази саройида Ўзбекистондаги олий ўқув юртлиларида хитой тили бўйича таълим олаётган талабалар ўртасида

саралаш мусобақалари бўлиб ўтди. ХХРнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳомилигида ўтган тадбирда мамлакатимиздаги турли олий таълим даргоҳларида ўқиётган 19 нафар талаба иштирок этди. Танлов 3 қисмдан иборат бўлиб, унда талабалар хитой тилида чиқиш қилдилар ҳамда хинд тилида берилган саволларга жавоб қайтардилар. Танловда иштирок этган талабалар мусиқа ва санъатга бўлган қизиқишларини ҳам хитой тилида намойиш қилдилар. Улар хитой тилида шеър ва қўшиқлар куйлаб, хитой рақсларини ижро этдилар. Уч соатдан ортиқ давом этган тадбирда танловнинг голиби этиб Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 3-курс талабаси Жамила Умарова тан олинди. Эндиликда у Хитойда ўтказилаётган жаҳон танловида иштирок этади. Танловнинг қолган иштирокчиларига совғалар топширилди. Биз Ўзбекистонда ўтган саралаш босқичида биринчи ўринни қўлга киритган Жамила Умаровага Чанша шаҳрида бўлиб ўтадиган танловда бундан-да катта ютуқларни қўлга киритиб, Ўзбекистон шарафини янада юқорига кўтаришини тилаб қоламиз.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ

**Маълум бўлишича, турли ғаразли мақсадлар йўлида ислом динини ниқоб қилиб, мамлакатларнинг тинч-тотув ҳаётига, тараққиётига раҳна солишга уринаётган оқимларнинг сони ҳозирда дунё бўйича 182 тага етган. Сўнгги йилларда айрим ёшларимиз гўрлик қилиб, билиб-билмай шундай баъзи диний-экстремистик оқимларнинг ёвуз мақсадлари қурбонига айланиб қолишаётгани сир эмас.**

**ЁШЛАР ЙЎЛДАН АДАШМАСИН**

Ёшларимиз ўртасида дин бора-борасида учраётган нотўғри қарашлар, турли оқимларга кириб қолиш ҳолатларига барҳам бериш мақсадида ўқув даргоҳларида турли мавзуларда семинар, учрашувлар уюштирилмоқда.

Учтепа туманида жойлашган иқтисодиёт ва сервис коллежида бўлиб ўтган семинар ҳам «Диний экстремизм, терроризм ва ақидапарастлик» деб номланди. Анжуман давомида коллеж талабалари ҳозирда қилинмишлари учун жазо муддатини ўтаётган «Жиҳодчилар» оқими аъзолари ҳақида тайёрланган ҳужжатли фильمنى томоша қилишди. Фильмда мазкур

оқим аъзоларининг қилган ҳаётлари учун минг пушаймон еётгани, ўтмишни орқага қайтариб, барча қилган ишларини тўғрилаш хоҳиши уларда нақадар кучли эканлиги, ушбу оқимнинг катта-кичик барча вакиллари суҳбат сўнггида кўзига ёш олиб, тинч-тотув ҳаётини ўз қўли билан тўзғитиб юборганига, ватандошларининг ҳаётига таҳдид солиб, халқнинг нафратига учраганига оила аъзоларидан, юртдошларидан ва Ватанидан кечирми сўрагани, айниқса, ёшларимиз онгида тўғри тушунчани ҳосил қилишга ёрдам берди.

Шундан сўнг, Учтепа тумани бош имом хатиби Эргаш

қори Мирзаев коллеж талабаларига дин, ислом, маънавият, экстремизм, терроризм, ақидапарастлик, миссионерлик каби тушунчалар ҳақида батафсил маълумот берди. Шу ўринда Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобидаги мавзуга оид томонларга ҳам тўхталди ўтилди.

Ёшларимиз мамлакатимизнинг таянчи, эртанги кунидир. Шунинг учун ҳам ривожланиб бораётган юртимизни, фаровон ҳаётимизни кўролмайдиган кимсалар авваламбор ёшларимизни йўлдан уришга ҳаракат қилади. Муҳими, ана шунинг коллеж талабалари тушуниб етишиди. Савол-жавоб тарихида ўтган учрашув мазмунли ва ёшлар учун жуда фойдали кечди.

Отабек ОТАЁРОВ

**Агробанк**



омонатларида маблағингизни кўпайтиринг!

**Миллий валютада**

- ➔ «Оила фаровонлиги»
- ➔ «Оила пойдевори»
- ➔ «Баҳор-2012»
- ➔ «Бойчечак»

**Чет эл валютасида**

- ➔ «Оила пойдевори плюс»
- ➔ «Универсал»



Омонатга бўш пул маблағларингизни Агробанкнинг исталган филлиалда қўйишингиз мумкин. Омонатлар бўйича ҳисобланган фойзли даромадингиз биринчи талабдоёқ берилади. Агробанк омонатларига қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сирли ҳисобланади. Қўшимча маълумот учун 150 53 65, 150 53 32 рақамли телефонларга мурожаат этишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

**Халқ фаровонлиги — фаолиятимиз мезони**

